

94к9

612

УЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

А. АСҚАРОВ



94К9
.612

А. А. АСҚАРОВ

9(575)2
9(575.1)11

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

(Энг қадимги даврлардан эрамининг
V асригача)

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумтаълим
мактабларининг 5-синф тарих ўқитувчилари учун
қўлланма сифатида тавсия этган*

94 ФБ АН УЗССР
50-6

94 ФБ АН УЗССР
50


ЎЗБЕКИСТОН АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Ушбу қўлланмада Ўзбекистоннинг энг қадимги даврдан то V асргача бўлган жуда бой ва мураккаб тарихи ҳикоя қилинади. Унда аجدодларимизнинг илк излари ва дастлабки йирик хўжалик ихтиролари—деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг келиб чиқиши археология материаллари асосида баён этилади. Шунингдек, зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» тур-рисида, Ўрта Осиё халқларининг ташқи душманга қарши қаҳ-рамонона кураши, Буюк ипак йўли ва унда қадимги аждодла-римизнинг йиштироки, энг қадимги ёзувлар, сўғдий ва туркий тиллар муштараклигида ташкил топган моддий ва маданий ҳаёт ҳақида фикр юритилади.

Ушбу қўлланма юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг.

Манзилимиз: 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30, «Ўқитувчи» нашриёти.



4306020600 — 142
А 353 (04)—94 бл. зак.—94
ISBN 5-645-02462-1

© «Ўқитувчи» нашриёти,
1994 й.

КИРИШ

Ўрта Осиё инсоният оламида жуда қадимдан маданияти ривожланган, тарихи бой минтақалардан бири. Бу муқаддас заминда одамзоднинг илк аجدодлари фаолиятидан гувоҳлик берувчи кўпгина материаллар топилган. Яқин кунларгача фанда Тешиктош ғоридан топилган неандертал даври одамнинг қолдиқларига асосланган ҳолда Ўрта Осиёда энг қадимги аجدодларимизнинг излари 80-100 минг йиллик тарихга эга, деган тасаввур мавжуд эди. Бироқ кейинги йилларда Жанубий Қозоғистонда, Тожикистонда энг қадимги аجدодларимизнинг излари топиб ўрганилди. Шунингдек археологлар Тошкент вилоятида (Кулбулоқ) ва Фарғона водийсида (Селунгур ғори) археологик қазинмалар утказиб, одамзоднинг Ўрта Осиёдаги илк фаолияти ашель даврига (яқин бир миллион йилга) тегишли эканлигини аниқладилар. Эндликда Ўрта Осиё ҳудуди жаҳонда одамзоднинг илк аجدодлари макон топган минтақага киради. Бу кашфиёт ўзбек археологларининг жаҳон тарихига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Ибтидоий аждодларимиз дастлаб табиатнинг тайёр ноз неъматларини истеъмол қилиб, кун кечирдилар. Кейинроқ эса табиат сирларини ўрганиши туфайли бир вақтнинг ўзида деҳқончилик ва чорвачиликни кашф эрдилар. Бу кашфиёт одамзодни табиат қўллигидан абадий озод қилди. Бу воқеалар ибтидоий жамоа тузумининг неолит (янги тош) даврида содир бўлди. Инглиз олими Г. Чайлд инсопийнинг бу буюк кашфиётини «неолит даври инқилоби» деб атаган эди.

Бу инқилобий ўзгаришлар Ўрта Осиёнинг жанубий районларида милoddан аввалги V минг йилликда (Жойтун маданияти), марказий ва шимолий районларида эса милoddан аввалги III минг йилликда (Қалтаминор ма-

данияти) содир бўлди. Деҳқончилик хўжалиги ўз навбатида ҳунармандчилик қатор соҳаларининг ривожланишига зами яратди ва улар асосида қадимги Шарқ цивилизациясининг минтақалари қарор топди. Кишилик жамиятида рўй берган бу инқилобий ўзгаришлар дастлаб буюк Нил, Ефрат, Дажла, Ҳинд ва Хуанхе дарёлари ҳавзаларида юз берди. Бу минтақаларда милоддан аввалги IV—III миғ йилликларда қадимги Миср ва Месопотамия, Ҳинд ва Хитой қулдорлик давлатларига асос берган Маҳонжо доро, Хараппа ва Яншао маданиятлари ташкил топди. Кишилик тарихининг ilk бор цивилизацияси қарор топган бу минтақалар бутун инсоният оламиинг келажак тараққиётида ўзининг маданий ва хўжалик ихтирочилик ролини ўйнади. Ўрта Осиё ўзининг бoй тарихи ва маданий дунёси билан ана шу қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида ривожланиб борди.

Кейинги 30—40 йил ичида археологлар Жанубий Туркменистонда қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоқларини очиб ўргандилар. Анов ёки Номозгоҳ маданияти номи билан узоқ ўтмиш тарихимиздан муҳим ўрин олган бу «ўчоқ»лар Ўрта Осиё халқларининг жаҳон маданиятига қўшган беназир ҳиссасидир. Туркменистоннинг қадимги деҳқончилик маданияти таъсирида милоддан аввалги II миғ йиллик ўрталарида Ўзбекистоннинг жанубий вилояти бўлмиш Сурхондарё ҳудудида Номозгоҳ маданиятига ухшаш Сополдита маданияти таркиб топди. Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи — қадимги Бақтрия дунёси шаклланди.

Эрон аҳамонийлари ва македониялик Искандар қўшинлари топтаган қадимги Бақтрия ва Сўғдиёнада, Парфия ва Марғиёнада бронза давридаёқ (милоддан аввалги II миғ йилликда) Ефрат ва Дажла ҳамда Ҳинд дарёлари ҳавзаларида ташкил топган қадимги қулдорлик шаҳар давлатлари билан бир қаторда турган ilk шаҳарлар вужудга келди.

Жанубий Ўзбекистонда олиб борилган археологик илмий-тадқиқот ишлари натижасида бу ўлкада қадимги шаҳар маданияти, яқингача ҳукм сурган тасавурлардан фарқли ўлароқ, ўзининг чуқур маҳаллий илдизига эга эканлиги исботланди. Қадимги Бақтрия ҳудудида ilk бор бронза даврига оид ипакчилик ва пахтачиликка оид

ашёвий далиллар ҳамда зардуштийлик динига асос берган оташпарастрлар ибодатхонаси топилди.

Ўрта Осиё халқлари милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Эрон аҳамонийлари асоратига тушдилар. Юнон тарихчиси Геродотнинг хабарига кўра, дастлаб ўрта осиеликлар ташқи душманга қарши бир печабор муваффақиятли курашган. Масалан, милоддан аввалги 530 йилда аҳамоний подшо Кир II қадимги Хоразмга — массагетлар юртига бостириб киради. Жангвар массагетларнинг сардори Тўмарис катта қўшин билан босқинчи Кир II га қарши курашга отланиб, жангда голиб чиқади. У ўз асири Кир II нинг бошини танидан жудо қилади ва «қонхўр калла қонга тўйсин» деб унинг калласини қон тўлдирилган қоғга солиб, душман лагерига юборади. Лекин аҳамоний подшолар Ўрта Осиё халқлари устига яна бир неча бор юришлар қилиб, бу ўлкада ўз назоратларини ўрнатадилар. Улар Ўрта Осиёни бир неча сатрапликларга (вилоятларга) бўлиб бошқарадилар. Доро I даврида Эрон зулмига қарши Марғина, Парфия ва Гирканияда халқ қўзғолонлари кўтарилди. Бироқ бу ўлка халқи Эрон аҳамонийларининг 200 йиллик асоратидан қутулиб улгурмасданоқ, ундан ҳам ёвузроқ душман — юнонлар асоратига тушади. Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар қўшинлари Ҳиндиқуш орқали Оғуз (Амударё)дан ўтиб, йўл-йўлакай аввал унумдор Бақтрия ерларини, сўнг эса Насаф вилоятининг бош шаҳри Наутакни босиб олади. Искандар Сўғдиёнада ўз ватандошлари бўлган милетлик бранхидларни ҳам аямайди, уларни қиличдан ўтказиб, Сўғд пойтахти Смараканса (Самарқанд)ни осонгина эгаллаб, Яксарт (Сирдарё) томон йошади. Хужанд йўлида у бир неча бор тоғликлар қаршилигига учрайди. Енгилмас Искандар маҳаллий қудратли куч — Спитаменга дуч келади. Сўғдлик Спитамен нуфузли, мағрур маҳаллий аристократия вакили сифатида она-Ватан истиқлоли йўлида ёвуз душманга қарши халқнинг барча қатламларини курашга даъват эта билган халқ қаҳрамонидир.

Искандарнинг ворислари даврида уларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши, Ўрта Осиёда ҳаракат бошланиб кетади. Парфияда ҳокимият маҳаллий зодагонлар — аршакийлар қўлига ўтади. Бақтрияда эса милоддан

аввалги 250 йилда марказий ҳокимиятдан порози кучлар-юнонлар маҳаллий аслзодалар билан биргаликда Юнон-Бақтрия подполигини барпо этадилар.

Милоддан аввалги III асрда Ўрта Осиёнинг шимоли ва шарқида Қанг, Давап каби подшоликлар ташкил топади. Худди ана шу даврда Ўрта Осиё халқлари тарихида этник жараёнлар билан боғлиқ қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар ҳам юз беради. Бу ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқидан туркийзабон қабилаларнинг Мовароуннаҳрнинг ички районларига кириб келиши фаоллашади. Бу қабилаларнинг кўчиши Хитой манбаларида юэ-чилар номи билан боғланади. Улар милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида ўз ватанлари Шарқий Туркистонда Тоғли Олтойдан чиққан туркийзабон хунлар билан тўқнашадилар. Бу тўқнашувда юэ-чилар гарбга чекиниб, Фарғона, Уструшона ва Сўғдиёна орқали қадимги Бақтрияга ўтиб кетадилар. Ниҳоят, милодий эранинг бошларида юэ-чи қабил айтифоқининг нуфузли уруғи бўлган гуйшуан бошлиқ Кушон подполигига асос солинади. Вима Кадфиз ва Канишка даврида Кушон подполини худуди Покистон ва Ҳиндистон давлатлари ҳисобига кенгайтирилади ва қисқа вақт ичида жаҳон империяси даражасига кўтарилади.

Кушонлар салтанати даврида Ўрта Осиёнинг халқаро мавқеи кучайди. У Шарқ билан Ғарб ўртасида икки дунёни бир-бири билан боғлаб турувчи иқтисодий ва маданий кўприкка айланади, яъни Хитойдан Ўрта Осиё орқали Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига ва улардан Юнонистон, Рим, Византия империясига олиб борувчи буюк «ипак йўли» ўтар эди. Инак йўли муносабати билан Ўрта Осиёнинг халқаро ўрни шу даражада ошдики, бу заминнинг сўғдий аҳолиси инак йўли билан боғлиқ бўлган барча ташаббусни ўз қўлларига киритиб, то илк феодаал даврига қадар сўғдий тил жуда кенг географик доирада жаҳон савдо тили даражасига кўтарилди. Инак йўли муносабати билан Ўрта Осиёнинг меъморчилик санъатига Юнонистон ва Рим руҳи кириб келди, деҳқончилик хўжалиги ривожланган вилоятларда ўнлаб, юзлаб қадимги шаҳарлар қад кўтарди. Бироқ IV асрнинг иккинчи ярмида кушонлар салтанати инқирозга юз тутди.

Уларга жануби-ғарбдан сосонийлар, шимоли-шарқдан эса кучманчи кидаритлар зарба бердилар. Буюк кушонлар салтанати харобаларида V асрга келиб Эфталитлар давлати барпо этилди. Аммо бу воқеалар буюк ипак йўли ривожига зарар келтирмади. Аксинча, илк феодал даврига келганда Ўрта Осиёни Шарқ билан боғлаб турувчи ипак йўлининг янгидан-янги тармоқлари шаклланди. Бу давр тарихининг ўзига хос бошқа бир муҳим хусусияти бор. У ҳам булса ўзбек халқининг келиб чиқиши, ўзбек этногенезининг дастлабки қадамлари билан боғлиқ бўлган масаладир. Юқорида эслатилганидек, милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида юэ-чжиларнинг шарқдан ғарбга, Ўрта Осиёнинг ички районларига кириб келиши биринчи навбатда Мовароуннаҳрда туркий тилда гапирувчи этник қатламнинг вужудга келишига олиб келди. Улар шу вақтга қадар Олтой ва Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси оралиғида, Ўттисув ва кенг Қозоғистон даштларида яшаб келар эдилар. Уларнинг сўғдийлар ва хоразмийлар билан иқтисодий, маданий ва этник алоқалари гарчанд аввалроқ пайдо бўлган бўлса-да, улар орасидаги бу этник алоқаларнинг кенгайиши айниқса милоддан аввалги II асрдан бошлаб фаоллашди. Бу даврга келиб Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қовунчи маданиятининг ва ундан бир оз олдинроқ Сирдарёнинг қуйи оқимида Жети асар маданиятининг шаклланиши Ўрта Осиёнинг қадимги Эрон тиллари муҳитига туркий этник қатламнинг фаол кириб келишини эслатади ва бу жараён биргина Сўғд, Хоразм ва Бақтрия қишлоқларидагина эмас, балки улар ҳудудида жойлашган шаҳарлар ҳаётида ҳам сезила борди. Ниҳоят, бу ўлкада VI асрнинг ўрталарида Турк ҳоқонлиги барпо этилиб, бу заминда туркий этник қатлам кучайди. Энди бу ўлкада икки тиллилик тарихий ҳақиқатга айланди. Сўғд дунёсида туркий этник қатлам кўп жабҳаларда етакчи роль ўйнай бошлади. Туркий тилли қабила ва халқларнинг гуруҳ-гуруҳ, қабила-қабила бўлиб, икки дарё оралиғига кириб келиши доимий анъанага айланди. Икки халқнинг бир-бирига яқинлашуви иқтисодий ва сиёсий манфаат нуқтаи назаридан ҳам ҳаёт аҳтиёжига айлана борди. Маҳаллий ерли аҳолининг хўжалик ютуқлари ва уларнинг илғор маданияти таъсирида кучманчи қабилалар мунтазам суратда ўтроқлашиб бордилар ва Ўрта Осиё илк феодал даври

иқтисодий ва маънавий дунёсини яратишда фаол иштирок эгдилар.

Биз тарихимизнинг айрим лавҳалари ҳақида эслар эканмиз, табиий равишда Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ва қадимги тарихи жаҳон халқлари тарихининг ажралмас қисми эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари ҳам ўзларининг кўп асрлик мураккаб тарихида бутун жаҳон халқлари бошидан кечирган жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий босқичларини босиб ўтди. Унинг тараққиёт йўлида содир бўлган босқинчилик урушлари, қирғинлар ва бошқа ёвузликлар меҳнаткаш халқ иродасини сиздира олмади. Халқ у жангларда чиниқди, асрлар сари янгида-янги кучлар тўплаб, тараққиёт томон интилди.

Фан тили билан айтганда, одамзоднинг пайдо бўлганига 1,5—2 миллион йил бўлган бўлса, ёзув бундан 5—6 минг йиллар олдин кашф этилди.

Ёзув аввал Мисрда ва Месопотамияда иероглиф ва миххат шаклида пайдо бўлган. Ўрта Осиёда эса ёзув Эрон аҳамонийларининг орабий ёзуви гаъсирида милоддан аввалги IV—III асрлардагина қадимги Хоразм ёзуви, Бақтрия ёзуви, Сўғд ёзуви шаклларида расмийлашди. Бироқ бу ёзувларда битилган тарихий асарлар ёки улардан лавҳалар бизгача етиб келмади. Борлари ҳам, улуг сиймо Абу Райҳон Беруний айтганидек, араблар истилоси даврида йўқ қилинди.

Юқорида баён этилган далиллар табиий равишда Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ва қадимги тарихи қандай манбалар асосида ўрганилади, деган саволни келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, ушбу саволга жавоб сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ва қадимги тарихи асосан иккита манба асосида ўрганилади. Биринчиси моддий манбалар, иккинчиси эса бизгача жуда кам етиб келган турли хил ёзма манбалардир.

Биз юқорида Ўрта Осиё моддий маданият ёдгорликларига бой ўлка, деб эсладик. Дарҳақиқат, бу ўлкада тарихимизнинг барча давр ва босқичларига оид ёдгорликлар мавжуд. Улар совет ҳокимияти йилларида кенг кўламда

урганилди ва шу туфайли тарихимизнинг ибтидоий жамоа, қулдорлик ва феодализм даврлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эгамиз.

Ўтмиш тарихимиз ҳақида хабар берувчи бу ёзма манбалар жуда хилма-хилдир. Ўрта Осиё халқларининг қадимги даври ҳақидаги дастлабки ёзма манбалар бизгача Эрон аҳамонийларининг тошга битилган миҳхатлари орқали етиб келган хабарларидан иборат. Аҳамоний подшо Доро I ўз ҳукмронлигини абадийлаштириш мақсадида Карманшоҳдан Хамадонга кетадиган йўл юзасидаги Биҳистун қоясига хат биттиради. Ана шундай хатлар аҳамонийларнинг пойтахти Персеполь саройининг тош деворларига, Доро қабри устига қўйилган тошга битилган. Бу хатлар асосан 3 тилда — қадимги форс, элам ва вавилон тилларида ёзилган бўлиб, уларда аҳамонийларга тобе бўлган халқлар ва уларнинг мамлакатлари эслатилади. Масалан, Биҳистун қоясидаги ёзувда Маргиёна, Бақтрия, Хоразм ва сак қабилалари эслатилган.

Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти, диний эътиқодлари ҳақида хабар берувчи иккинчи бир манба зардуштийларнинг «Авесто» китобидир. «Авесто»нинг энг қадимги нусхалари бизгача етиб келмаган. Ривоятларга кўра македониялик Искандар Эрон ва Ўрта Осиёни босиб олган вақтда «Авесто»нинг энг қадимги нусхаларини ёндириб юборган. Бизгача етиб келган «Авесто» матни сосонийлар подшоси Шопур II даврида тузилган бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг қатор вилоятлари эслатиб ўтилади ва ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида маълумотлар берилади.

Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти ҳамда этнографияси ҳақида маълумот берувчи учинчи хил ёзма манба — қадимги юнон тарихчилари ва географларининг асарларидир. Ўрта Осиё халқлари ҳақида Геродот (милод. авв. V аср), Ксенофонт ва Ктесий (милод. авв. V—IV асрлар), Страбон (милод. авв. I аср), Полибей (милод. авв. II аср), Птолемей (II аср), Арриан (II аср), Юстин (II аср), Квинт Курций Руф (I аср), Плугарх (I—II асрлар) ва бошқалар маълумотлар қолдиришганлар.

Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақида маълумот берувчи

тўртинчи гуруҳ ёзма манбалар Хитой тарихчиларидан Си Ма-цяннинг (милод. авв. II—I асрлар) «Исторические записки» ва Бань Гунинг (милод. авв. I аср) «Биринчи Хан династиясининг тарихи» асарларидир.

Бу тарихий манбаларда келтирилган қадимги тарихимиз ҳақидаги айрим лавҳалар археологик қазилмалар натижалари билан биргаликда узоқ ўтмиш тарихимизни тиклашга ва унинг асосий босқичлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон берди.

Биринчи қисм

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

Олимлар одамзоднинг пайдо бўлганидан то ҳозирги даврга қадар бўлиб ўтган тарихини ўрганиш натижасида шундай хулосага келдиларки, инсон тарихи ҳеч қачон бир текисда ривожланмаган. Одамзод табиатдаги бошқа жонли зотлар каби ибтидоликдан аста-секин мураккабликка ривожланиб борган. Уларнинг меҳнат қуроллари ва у билан боғлиқ бўлган фаолияти, инсон онги ўзгариб борган. Агар инсон ўзининг илк босқичида табиатдаги тайёр маҳсулотлар (ёввойи дарахтларнинг мевалари, қурт-қумурсқа ва бошқа жониворлар, йирик ёввойи ҳайвонлар) билан тирикчилик ўтказган бўлса, кейинроқ табиат сирларини ўрганди, табиатни ўзига хизмат қилдириш йўл-йўриқларини билиб олди ва ниҳоят, у ҳозирги замон ҳолатига, жамиятнинг юксак ривожланиш даражасига етиб келди.

Табиатшунос ва жамиятшунос олимлар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган бу ривожланишни кузатар экан, бу йўлда асрлар давомида илмий изланишлар олиб бориб, инсон тарихий тараққиётини ижтимоий-иқтисодий формацияларга ва бу формацияларни эса даврларга ва босқичларга бўлиб ўрганишни таклиф қилдилар. Бу борада XIX асрда Овруна олимлари катта иш қилдилар. Масалан, буюк этнограф олим Л. Г. Морганнинг бу масала ечимига қўшган ҳиссаси бениҳоят каттадир. Жамиятшунос Карл Маркс ва Фридрих Энгельслар эса кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганиш асосида уни 5 та ижтимоий-иқтисодий формацияларга (ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунистик жамиятга) бўлиб ўрганишни таклиф қилдилар. Жамиятшунослик фанида узоқ йиллар ҳукмрон бўлиб келган бу марксистик таълимотнинг коммунистик

жамият ҳақидаги хулосаси кейинги йилларда асоссиэ, хаёлий қараш эканлиги исботланмоқда. Коммунистик жамият қуриш тўғрисидаги назарий хулоса билан у жамиятни қуриш йўлидаги амалиёт ўртасидаги номутаносиблик, инсон руҳиятига хос шахсий мулкчилик кайфияти бу таълимотнинг хаёлдан бошқа нарса эмаслигини яна бир бор ўзида аниқ ифода этмоқда.

Гарчи кишилик жамиятини формацияларга бўлиб ўрганиш таълимоти баъзи бир танқидий мунозараларга учраётган бўлса-да, ҳали жамиятшунос олимлар даврасида бу масалага узил-кесил аниқлик киритилмаган. Шу боисдан Ўзбекистон тарихининг энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар даври босқичларини ёритишда жамиятларни формацияларга бўлиб ўрганиш маъқул йўл деб тошилди. Ана шу ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг дастлабки ибтидоий жамоа тузуми бўлиб, бу тарихий босқични жаҳоннинг барча халқлари у ёки бу даражада босиб ўтганлар.

Совет даврида жамиятшунос олимлар орасида ибтидоий жамоа тузумини иккита катта даврга бўлиб ўрганиш ижтимоий ва гуманитар фанларнинг назарий йўналиши бўлиб келди. Кишилик тарихининг жуда катта даврини ўз ичига олган ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичи «ибтидоий тўда», кейинги босқичи эса «уруғчилик жамоаси» даври деб ўрганилди. Бу илмий тезис фан нуқтаи назаридан қараганда, бирдан бир тўғри таълимотдир.

1. Ибтидоий жамоа тузумининг моҳияти ва унинг тарихий ҳамда археологик даврларга бўлиниши

Л. Г. Морган ибтидоий жамоа тузуми ва унинг тарихий босқичларга бўлиниши ҳақида. Она уруги, ота уруги даврлари. Ибтидоий жамоа тузумининг ҳарбий демократия босқичи. Ибтидоий жамоа тузумининг тарихий ва археологик даврларга бўлиниши. Палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир даврлари.

Л. Г. Морганнинг фан олдидаги буюк хизмати шундаки, у ўзининг «Қадимги жамоа» (1877) асарида биринчи бўлиб дастлабки синфий жамиятга қадар бўлган жамиятнинг илк ва асосий куртаги уруғ эканлигини

таъкидлайди. У уруғнинг пайдо бўлиши одамнинг пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлмади, балки уруғчилик жамоаси кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичидир, деган эди. Л. Г. Морган биринчи синфий жамиятга қадар бўлган даврни бир-бири билан тенг бўлмаган иккита босқичга бўлади. Булар «ибтидой тўда» ва «уруғчилик жамоаси»дир. Бу даврлар кейинчалик «ибтидой пода» ва «ибтидой коммуна» деб таърифланди¹. Дарҳақиқат, ибтидой тўда даври дастлабки кишилик жамоасининг ҳайвонот олаmidан инсоният оламига ўтиш даври эди. Уруғчилик даври эса кишилик жамиятининг биринчи куртаги эди. Кишиликнинг ибтидой тўда босқичи билан ибтидой уруғчилик босқичлари ўртасида чуқур сифат чегараси бор. Бу сифат чегара энг қадимги аجدодларимизнинг ҳайвонот олаmidан чиқиб онгли, ақлли зот дунёсига ўтиши билан тавсифланади.

Ибтидой тўда даврида одамлар ўртасида жисмоний алоқалар чегараланмаган, аниқ тартибга тушмаган. Одамлар йиртқич ҳайвонлардан қўрққанидан гала-гала, тўда-тўда бўлиб яшашган. Ов вақтида улар ёлғиз ҳайвонга кўпчилик бўлиб ҳужум қилишган.

Ибтидой уруғчилик босқичида инсон ҳаётида жуда катта сифат ўзгаришлари юз берди. Бу даврда кишиликнинг илк жамоаси — дастлабки жамоа бўлиб яшаш куртаги пайдо бўлди. Бу куртак уруғ жамоасининг таркиб топишига асос солган оналар атрофида юз берди. Шунинг учун ҳам бу босқич она уруғи — матриархат деб аталди. Она уруғи жамоасининг бошланиши — бу биринчи ижтимоий-иқтисодий формациянинг бошланиши эди.

Уруғчилик жамоаси даврини иккита босқичга бўлиш мумкин. Унинг биринчи босқичи уруғчиликнинг илк босқичи, иккинчиси эса уруғчилик босқичидир. Уруғчилик босқичидан биринчи синфий жамиятга ўтиш даври ҳам бор. Бу ўтиш даврини Л. Морган «харбий демократия» босқичи деб атади. Л. Г. Морганнинг бу таърифини

¹ Одамзод тарихининг илк босқичидаги аждодлар тўдаси В. И. Ленин томонидан «пода», ибтидой жамоанинг дастлабки босқичи эса «коммуна» деб аталиши мазмун жиҳатдан хато эди. Шунинг учун матнда шу атамаларни ишлатиш лозим топилган баъзи ҳолларда улар қўштирноқ ичида берилади.

Ф. Энгельс қабул қилган эди. Агар уруғчиликнинг илк босқичи она уруғи даврига тўғри келса, ибтидой жамоа тузумининг уруғчилик ва ҳарбий демократия босқичлари ота уруғи — патриархат даврига тўғри келади. Ибтидой жамоа тузумининг патриархат даврида никоҳ гуруҳли, икки уруғ аъзолари ўртасида, икки жамоа ўртасида, иккита ишлаб чиқариш жамоаси аъзолари ўртасида содир бўлган.

Уруғчиликнинг иккинчи босқичида ибтидой жамоа хўжалигида қўшимча даромад пайдо бўлди, у эса ўз навбатида мол айирбошлашни келтириб чиқарди. Ана шу даврдан бошлаб уруғларнинг қабилаларга бирлашиши бошланади. Қабилалараро иқтисодий алоқалар вужудга келади. Гуруҳли никоҳ доирасида аёллар фарзандларининг оталаридан ўз уруғи учун ишлаб беришни, ўз уруғи юмушларига ёрдам беришни талаб қиладилар. Бу талаблар иқтисодий муаммолар билан боғлиқ бўлиб, она уруғи жамоасида жуфт оиланинг шаклланишига олиб келди. Она ўз фарзандларига ўз отасини таништира борди. Узоқ давом этган бу никоҳ ахлоқ нормалари она уруғи доирасида эркаклар ролининг кучайишига олиб келди. Иқтисодий ҳаёт танишлари энди эрлар қўлида жамланди. Шундай қилиб, ота уруғи — патриархат шаклланди. Жамоада эркаклар ролининг кучайиши қонуний равишда жуфт оилани келтириб чиқарди.

Илк уруғчилик жамоаси даврида одамзод биринчи бор амалий санъатни кашф этди. Қадимги ҳайкалтарошлар ўз асарларини дастлаб аёл ҳайкалларини ишлашдан бошлаганлар. Аёлларнинг ҳайкаллари дастлаб мамонт суюгидан, тошдан ясалган. Одатда улар ҳомиладор она тасвирида ишланган.

Бу даврнинг бошқа бир буюк хислати одамзоднинг биологик жисмоний тузилишида руй берди. Одамзодга ҳос учта ирққа бўлиниш содир бўлди, яъни Оврўпа, негр ва муғул ирқлари шаклланди ва нпҳоят энг қадимги аجدодларимиз форлардан чиқиб маълум бир жойларда ўзлари учун кулба ясаш йўлларини топдилар. Ибтидой аجدодларимиз ҳаётидаги бу инқилобий ўзгаришлар милод. авв. 40—30 минг йилликлар давомида содир бўлди.

Ибтидой жамоа тузumi даври тарихини ўрганишда археология ёдгорликлари — моддий маданият обидалари

итона манба бўлиб ҳисобланади. Олимлар ҳар хил даврларга оид археология ёдгорликларини илмий ўрганиш натижасида ибтидоий аجدодларимизнинг меҳнат қуроллари ва уларнинг ишлаш технологиясига қараб ибтидоий жамоа тузумини археологик жиҳатдан даврларга бўлганлар. Масалан, одамзод аجدодларининг энг қадимги вакиллари ўз меҳнат қуроллари тошдан (чақмоқтош, абсидиан ва бошқалар) ясаганликлари учун инсониятнинг илк даври «тош даври» деб аталади. Тош даври ҳам ўз навбатида қадимги тош (палеолит), ўрта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) даврларига бўлинади. Қадимги тош даври одамзод тарихида жуда катта даврни ўз ичига олади (тарихимизнинг 99%и шу даврга тенг) ва у бир қанча босқичларга бўлиб ўрганилади.

Одамзод ўз фаолиятида деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этиши муносабати билан меҳнат қуроллари ва зеб-зийнатлар тайёрлашда металлдан фойдалана бошлайди. Ибтидоий жамоаларнинг тош меҳнат қуроллари орасида қисман металлдан (мисдан) ишланган қурооллар пайдо бўлади. Бу инсоният ҳаётида юз берган буюк инқилобий ўзгариш эди. Шунинг учун бу давр тарихи фанга энеолит (мис-тош) даври бўлиб кирди. Кейинроқ бобокалонларимиз мисни қалайига қориштириб, янги типдаги металл хом ашёни кашф этдилар. Бу металл бронза (жез) бўлиб, ундан ясалган меҳнат қурооллари тош қуроолларига нисбатан унумли эди. Ибтидоий одамлар энди меҳнат қуроолларини асосан бронзадан ясай бошладилар. Бу давр ибтидоий давр тарихимизда «бронза даври» деб аталди. Бироқ бронза жамоада меҳнат қуроолларини ишлаб чиқаришда тошни мутлақо сиқиб чиқара олмади. Ибтидоий аجدодларимиз бронзадан ҳам унумлироқ металл — темирни кашф этдилар. Меҳнат қурооллари ясаш учун темир кашф этилса-да, аммо темирдан ясалган меҳнат қурооллари ибтидоий бобокалонларимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб ололмади. Бронза фақат қурол ишлаб чиқаришда ўз мавқеини сақлаб турди. Шунинг учун ҳам бу давр археологик даврлаштиришда «илк темир» даври деб аталади. Ўзбекистон ҳудудида илк темир даври миллоддан аввалги VIII—IV асрларга тўғри келади.

МУНДАРИЖА

Кириш

БИРИНЧИ ҚИСМ

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

1. Ибтидоий жамоа тузумининг моҳияти ва унинг та-
рихий ҳамда археологик даврларга бўлиниши 12
2. Одамзоднинг илк аجدодлари — зинжантроп, пите-
кантроп, синантроп, неандертал ва кроманьон одами. 15
3. Ўзбекистонда қадимги тош даврининг илк босқичи. 21
4. Ўзбекистонда қадимги тош даврининг ўрта босқичи. 25
5. Ўзбекистонда қадимги тош даврининг сўнги босқичи.
Дастлабки уруғ жамоаларининг излари 28
6. Ўзбекистонда ўрта тош даври 34
7. Ўзбекистонда мезолит даври уруғ жамоаларининг
излари 38
8. Неолит даврида уруғчилик жамоаси 42
9. Амударёнинг қуйи ҳавзасида Қалтаминор маданияти. 47
10. Зарафшон воҳасида неолит даври балиқчи жамоа-
ларининг излари 52
11. Ўзбекистонда энеолит ва бронза даврлари 56
12. Зарафшон воҳасида қадимги деҳқончилик маданияти 63
13. Жанубий Ўзбекистонда қадимги деҳқончилик ма-
данияти 68
14. Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралиғидаги
чорвадор қабилалар маданияти 75
15. Қадимги Хоразмда Амиробод маданияти 81
16. Қадимги Фарғонада илк деҳқончилик маданияти . 85
17. Қадимги Бақтрия ва Сўғдиёнада Чуст маданияти
типидаги ибтидоий жамоаларнинг излари 90
18. Тошкент воҳасида илк деҳқончилик маданияти . 93

ИККИНЧИ ҚИСМ

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИНИНГ ЕМИРИЛИШИ ВА СИНФИЙ ЖАМИЯТНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

1. Уруғчилик жамоасининг емирилиши жараёнида Ўз-
бекистон ҳудудида содир бўлган асосий воқеалар . 98

2. «Авесто» — зардуштийликнинг муқаддас китоби	110
3. «Авесто» ва унда жамият ижтимоий таркибининг акс этиши	111
4. Ўрта Осиёдаги энг қадимги ҳарбий-демократик давлат конфедерациялари	117
5. Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган қадимги деҳқончилик воҳаларининг жуғрофияси ва кучманчилар. Аҳолининг этник таркиби	120
6. Ўзбекистонда илк темир даври қабилаларининг моддий ва маънавий маданияти	120
7. Ўрта Осиё—Эрон аҳамонийлари империяси таркибида	120
8. Искандар Зулқарнайнинг Ўрта Осиёга юриши ва ерли аҳолининг ажнабий босқинчиларга қарши кураши	124

УЧИНЧИ ҚИСМ

ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРИ

1. Ўрта Осиё Салавкийлар давлати таркибида	148
2. Юнон-Бақтрия давлати	149
3. Қадимги Хоразм давлати	150
4. Қанр давлати	164
5. Қадимги Фарғона давлати (Паркан, Даван)	171
6. Буюк ашак йўли	172
7. Кушон давлати	184
8. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари (хулоса ўрнида)	191
Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари	198
Қисқача атамалар лугати	204
Биричи қисм учун адабиётлар рўйхати	210
Иккинчи қисм учун адабиётлар рўйхати	218
Учинчи қисм учун адабиётлар рўйхати	219